

УЎК: 635.34

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА КАМ ТАРҚАЛГАН КАРАМЛИ САБЗАВОТЛАРДАН  
КОЛЬРАБИ КАРАМИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**Якубова Дилафруз Муродовна**

ТоишДАУ Сабзавотчилик ва иссиқхона хўжалигини ташкил этиши кафедраси  
катта ўқитувчиси, қ.х.ф.ф.д. (PhD)  
Email: [yakubova-7098@mail.ru](mailto:yakubova-7098@mail.ru)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14206033>

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон республикаси учун ноанъанавий яъни кам тарқалган сабзавот тури ҳисобланган кольраби карамининг биологик ҳусусиятлари, республикамизда етиштириши учун мос нав намуналарининг тавсифи, экии схемалари, тезпишарлиги, ҳосилдорлиги, товарбоплиги тўғрисида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар.** Схема, муддат, қўчат ёши, кольраби нав намуналари, эртапишарлик, товарбоплик.

**Аннотация.** В статье приведены сведения о биологических свойствах капусты кольраби, считающейся нетрадиционным для Республики Узбекистан овощем, описание сортов, пригодных для выращивания в нашей республике, схемы посадки, быстрое созревание, урожайность и товарность.

**Ключевые слова.** Схема, срок, возраст рассады, образцы сортов кольраби, скороспелость, товарность.

**Annotation.** The article provides information about the biological properties of kohlrabi cabbage, which is considered a non-traditional vegetable for the Republic of Uzbekistan, a description of varieties suitable for cultivation in our republic, planting patterns, rapid ripening, productivity and marketability.

**Keywords.** Scheme, period, age of seedlings, samples of kohlrabi varieties, early maturity, availability.

**Кириш.** Дунёда карам ўсимликлари асосий қўп истеъмол қилинадиган сабзавот турларидан бири ҳисобланади. “FAOSTAT” маълумотларига кўра, 2020 йилда дунё бўйича гул карам ва брокколи карамидан бошқа карамдошлар оиласига мансуб сабзавотлар (оқ бошли, қизил бошли, кольраби, брюссель, пекин ва савой) 389534,65 минг га майдонда етиштирилиб, ўртacha ҳосилдорлик 34,74 т/га ни ташкил этди.

Карамнинг етиштирилаётган барча турлари (Brassicaceae) карамдошлар оиласига ёпик уруғлилар бўлими (Magnoliophyta) икки паллалилар синфига (Magnoliatae) мансубдир. Карамсимонлар оиласига 375 авлод ва 3200 турга мансуб ўсимликлар бирлаштирилган (Ипатьев А.Н., 1966; Прохоров И.А., Крючков А.В., Комиссаров В.А., 1997). Барча етиштирилаётган карам навлари *brassica* авлодига

мансуб бўлиб 50 га яқин карам турларини ўзида бирлаштиради. Ушбу карам турлари ҳаётининг давомийлиги бўйича бир йиллик ва икки йиллик ўсимликлар бўлиб, колъраби карами (*Brassica oleracea var. Gongylodes L.*) икки йиллик ўсимлик ҳисобланади.

Дунёда соҳа мутахассислари томонидан аҳолини арzon, сифатли ва витаминларга бой, жумладан, колъраби (*Brassica oleracea var. Gongylodes*) карамининг иссиққа, касалликларга чидамли, ёрилиб кетишга бардошли ҳамда эколого географик иқлим шароитларга мос навларини яратиш, улар учун етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Кольраби карами бошқа карам турларига нисбатан тез пишиб етилиши (55-60 кун), экологик омилларга бардошлилиги, биологик фаол моддаларга бойлиги ва узоқ муддат сифатини йўқотмасдан сақлаб туриш хусусияти билан ажralиб туради. Маълумки, соғлом овқатланиш тарзини жорий этишда сабзавотларнинг кенг ассортиментидан фойдаланиш талаб этилади ва шу сабабли ҳам Республикаизда сабзавотчилик соҳасини ривожлантиришга ҳамда уларнинг ассортиментини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кольраби карамининг ўсув даврининг қисқалиги, йил давомида 3 марта мўл ҳосил етиштириш имконияти мавжудлиги сабабли республиканизнинг иқлим шароитига мос навларни яратиш ва етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга муаммо ҳисобланади.

**Тадқиқот натижалари. Кольраби карамининг биологик хусусиятлари.** Кольраби-совуққа чидамли, 0-1<sup>0</sup>C ҳарорат уруғининг униши учун минимал ҳарорат ҳисобланади. Уруғлар +11<sup>0</sup>C да 10-12 кунда, +18+20<sup>0</sup>C да эса 3-4 кунда униб чиқади. Ҳарорат-3<sup>0</sup>C да ёш майсалари, -7<sup>0</sup>C да барглари, -6-9<sup>0</sup>C да эса маҳсулот берадиган аъзоси заарланади. Кундуз қунлари +16+20<sup>0</sup>C ва тунги соатларда эса +6+12<sup>0</sup>C даражали ҳарорат оптималь ҳисобланади. Ҳарорат +6<sup>0</sup>C паст бўлса, поjemeva ҳосил қилмасдан, гулпоя чиқариши кузатилади.

Кольраби карами бошқа карамга мутлоқ ўхшамаган сабзавот экини ҳисобланади. Кольраби карами ташки кўриниши жиҳатидан шолғом ёки брюковани эслатади, аммо мазаси эса-оқбош карамнинг ўзаги мазасига ўхшаш бўлиб, унга нисбатан майин, хушхўр ва ширинроқ мазага эга сабзавот.

Кольраби карамининг 30 қунлик кўчатлари 10 мартда 70x30 схемада очик далага экилди. Ҳар бир тажриба бўлмачаси 4,2 м<sup>2</sup> бўлиб 20 донадан ўсимлик ўтқазилди. Андоза сифатида республикамиз учун районлаштирилган Амокаши нави экиб ўрганилди. Ўсув даври давомида ҳар бир нав намуналардан 10 тадан ўсимлика морфо-биологик ва қимматли хўжалик белгилари, жумладан ўсимликдаги барглар сони, барг пластинкасининг сатҳи, барг бандининг узунлиги, мевасининг шакли, ранги, 10% меваларнинг шаклланиши, 75% меваларнинг шаклланиши, ҳосилнинг пишиб етилиши 10%, ҳосилнинг пишиб 75%, битта меванинг ўртача вазни (г), ҳосилдорлик ва товарбоп маҳсулот улуши ўрганилди.



Тажриба даласига кольраби кўчатлари ўтқазилгандан сўнг 30 кун ўтгач Россиянинг Неженка, 32 кундан сўнг Смак, 34 кундан сўнг Пикант, Венская белая 1350 навларида поямева шакллана бошлаганлиги кузатилган бўлса, Франциянинг к-41 (номсиз) намунасида 30 чи куни қайд этилди. Германиянинг К-206, Чехиянинг Виолетта, Япониянинг К-214, Россиянинг Деликатесная белая, Сиреновый туман ва Фиолетовая навларида ушбу жараён кўчатлар ўтқазилгандан сўнги 35 кунни қайд этилган бўлса, Чехиянинг Гигант навида эса поя меваларнинг шаклланиши кўчатлар ўтқазилгандан кейинги 42 чи кун кузатилди.

**Кольраби карамининг коллекция намуналарини қимматли хўжалик белгилари**

Нав ва намуналар	Келиб чиқиши	Поямеванинг шакллана бошлиши, кун		Хосилнинг пишиб етилиши, кун		1 та мевани нг ўртача вазни /г	Хоси лдорл ик,кг/ м <sup>2</sup>
		10%	75%	10%	75%		
1 Амокаши (анд)	Франция	35	45	62	72	423,7	2,356
2 Гигант	Чехия	42	51	85	97	818,2	4,549
3 ВИР К-214	Япония	35	49	80	92	460,5	2,560
4 ВИР К-206	Германия	35	43	70	75	420,5	2,338
5 ВИР К-41 (Қизил тож)	Франция	30	35	60	66	480,7	2,673
6 Пикант	Россия	34	42	72	77	486,7	2,706
7 Венская белая 1350	Россия	34	43	70	77	415,5	2,310
8 Неженка	Россия	30	35	57	66	423,7	2,355
9 Виолетта	Чехия	35	43	76	85	590,1	3,281
10 Деликатес ная белая	Россия	35	42	76	85	608,1	3,381
11 Сиреновы й туман	Россия	35	43	76	89	584,3	3,248
12 Смак	Россия	32	43	76	90	608,1	3,381
13 Фиолетова я	Россия	35	44	89	100	588,5	3,272

Намуналарнинг ўсув даврини тажриба бўлмачасидаги ўсимликларнинг 50% пишиб етилган кунга асосланиб белгиладик. Ўрганилган намуналардан Ўзбекистон иқлим-шароитида ўсув даври ВИР К-41 (Қизил тож), Пикант, Смак ва Неженка навларида 62-65 кунни, ВИР К-206, Венская белая 1350, Деликатесная белая навларида 70-75 кунни, Виолетта, ВИР К-214 навларида 80-85 кунни, Гигант, Сиреневый туман ва Фиолетовая навларида эса 90-95 кунни ташкил этди. Андоза Амокаши нави эртапишар нав бўлиб ўсув даври 62 кун эканлиги аниқланди.

Кольраби карамини коллекция намуналарининг уч йиллик ўрганишлар натижасида эртапишарлик хусусияти бўйича 4 та, жумладан ВИР К-41 (Франция), Пикант, Неженка ва Смак (Россия) нав намуналари ажратиб олинди. Ушбу танлаб олинган навларнинг ўсув даври 62-65 кунни ташкил этиб, андоза навга нисбатан 3,18- 10,25 ц/га ҳосилдорлиги юқори эканлиги аниқланди.

**Хулоса.** Колъраби карамини коллекция намуналарининг уч йиллик ўрганишлар натижасида эртапишарлик хусусияти бўйича 4 та, жумладан ВИР К-41 (Франция), Пикант, Неженка ва Смак (Россия) нав намуналари ажратиб олинди. Ушбу танлаб олинган навларнинг ўсув даври 62-65 кунни ташкил этиб, андоза навга нисбатан 3,18- 10,25 ц/га ҳосилдорлиги юқори эканлиги аниқланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. D.M.Yakubova. Qodirxo‘jaev. The impact of Planting Scheme-Feeding Area on the Growth and Productivity of Kohlrabi in the Double Gropping. International journal for innovative research in multidisciplinary field. Volume - 5, Issue - 11, Nov– 2019. – P. 67-69 (Impact Factor: 7.581). Open Access. Scientific Journal.
2. Аутко А.А. В мире овощей. Минск: УП. “Технопринт” 2004. С-568. (ADB, 2009, FAO, 2014).
3. Д.М.Якубова. М.Е.Аманова. Колраби карам навларининг агробиологик хусусиятлари ва қимматли хўжалик белгилари. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси журнал. Тошкент 2022 йил. №2 (2). 156-158 б. (06.00.00 №7)
4. Бутун Россия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (ВИР) нинг “Карамдош ўсимликлар жаҳон коллекциясини ўрганиш ва қайта тиклаш” бўйича услугубий қўлланма (Ленинград 1986 й)
5. Доспехов Б.А.-Методика полевого опыта. Изд.5-М. Агропромиздат 1985. С.361.
6. Зуев В.И., Мавлянова Р.Ф., Дусмуратова С.И., Буриев Х.Ч. Овощи-это пища и лекарство. Ташкент. Навруз. 2016 г, с 216-217
7. Китаева И.Е., Капуста. Московский рабочий. 1977. С 57-61
8. Пивоваров В.Ф., Старцев В.И. Капуста, её виды и разновидности. М.ВНИИССОК, 2007, с-192.